



## КАРТОШКАНИНГ КЛОН ВА ЛИНИЯЛАРИДАН ИСТИҚБОЛЛИ ЭРТАПИШАР НАМУНАЛАРНИ АЖРАТИШ

НИЗОМОВ РУСТАМ АХРОЛОВИЧ<sup>1</sup>

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., профессор Тошкент вилояти 111106, Кўксарой кўчаси 3, Ўзбекистон. Email:bioritim@mail.ru.

ХОЖАМУРАТОВ САЛАМАТ БЕКМУРАТОВИЧ<sup>2</sup>

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. мустақил изланувчи тадқиқотчиси Тошкент вилояти 111106,

Кўксарой кўчаси 3, Ўзбекистон.

УМАРОВ ШЕРЗОД НУРМУХАДИЕВИЧ<sup>3</sup>

Сабзавот полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти мустақил изланувчи тадқиқотчиси. Тошкент вилояти 111106, Кўксарой кўчаси 3, Ўзбекистон

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10634447>

### ARTICLE INFO

Received: 29<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 07<sup>th</sup> February 2024

Online: 08<sup>th</sup> February 2024

### KEY WORDS

Клон, танлов, нав, дурагай, намуна, коллекция, митми туганак, техник туганак, картошка кўчати, меристема.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳалқаро картошкачилик маркази (CIP)дан келтирилган картошканинг 6 та P-3, P-5, P-6, P-10, P-11, P-12, клон ва 4 та L-5 L-6 L-8 L-10 линияларини эртаги муддатда таққослаб синаш боғчасида экиб истиқболли эртапишар намуналар ажратилганлиги тўғрисида маълумот келтирилган. Картошка хосилдорлик кўрсаткичлари бўйича назорат Пском навининг ҳосилдорлиги гектаридан 21,0 т. ни ташкил қилган, унга нисбатан L-8 ва L-10 намуналарда бу кўрсаткич 19,1 ва 18,0 % юқори бўлган, қолган барча намуналарида ҳосилдорлик кўрсаткичлари назорат вариантига нисбатан 20-35 % кам бўлганлиги тўғрисида маълумот берилган. Тадқиқотлар натижасида картошканинг 2 та L-8 ва L-10 линиялари Давлат нав синаш комиссиясига топширилган.

### КИРИШ

Бугунги кунда, дунёнинг 156 мамлакатида йилига ўртача 377 миллион тоннага яқин картошка етиширилади. Картошка маҳсулотини Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Германия, Бангладеш, Россия, Польша, Франция ва Нидерландия энг етакчи ишлаб чиқарувчилари ҳисобланиб, Ўзбекистон бу рўйхатда 23-ўринни эгаллайди.

Картошка инсон учун муҳим бўлган оқсил, крахмал, турли витаминлар, минерал тузлар ҳамда макро ва микро элементлар манбаидир. Мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфисизлигини таъминлашда картошкачилик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам картошка “иккинчи нон” деб хам аталади. Картошкачиликни ривожлантириш



мақсадида, Ўзбекистон Республики Президентининг 2020 йил 6 майдаги ПҚ-4704 сон қарорига биноан республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорда белгилаб берилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабраги “2020 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 1025-сон қарорига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2020 йилда асосий экин сифатида 30,4 минг гектар ҳамда ғалладан бўшайдиган 35,1 минг гектар майдонларга картошка жойлаштириш режалаштирилган.

Картошка уруғчилиги тушунчасига навнинг бошланғич сифатларини имконияти борича узоқроқ муддатда сақланишини таъминлайдиган, режа асосида нав янгилашни ва нав алмаштиришни ташкиллаштириш, навларни оқилона танлашни таъминлайдиган ҳамма тадбирларнинг жамланмаси киради. Шу сабабли, картошка навларидан соғлом экиш материалларини олишда сунъий микроиқлим шароитларини яратиш ёки табиий микроиқлим шароитларини яхшилаш мақсадида жиҳозланиб қурилган ҳимояланган ер иншоотларда етиштиришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади

## ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

Тадқиқотлар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба далаларида 2022-2023 йилларда ўтказилди. Институт Тошкент шаҳрининг шимолида Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган. Жойнинг об-ҳавоси Ўзбекистон текис қисмida жойлашган қўпчилик сабзавотчилик хўжаликлари шароитига ўхшайди.

Об-ҳавони ўзига хос хусусияти шундан иборатки бу ерда ёруғлик ва иссиқлик етарли даражада ва континентал ўзгарувчан ҳамда қуруқ хаводир. Қуёш ёруғлигини давомийлиги йилига 2700-3000 соат, бунда ёзда қуёш ёруғлиги ойига 360-400 соат, қишида эса 90-130 соатга тушади. Бир кундаги иссиқликни ўзгарувчанлиги юқори (10-15°C қишида ва 15-20°C ёзда) ва йил бўйича 30°C гача етади.

Тупроғи аввалдан сугориб келинадиган типик бўз тупроқ, сизот сувлари чукур 6-7 метрда жойлашган бўлиб, тупроқдаги гумус миқдори 0,793-0,957%, ялпи фосфор 0,131-0,157 мг/кг, калий 1,843-2,195 мг/кг ва азот 0,131-092 %, Ҳаракатчан N-N03-8,1-17,9 мг/кг, Р2O5-12,4-28,4 мг/кг, K2O-187,5-227,4 мг/кг оралиғида бўлган. Тажриба майдонининг тупроғи шўрланмаган.

Эртаги муддатда картошканинг тугунаклари ва ўсимликлар мазкур тадқиқотнинг обьекти ҳисобланади. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, бунда «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилиқ тажрибалар ўтказиш методикаси», «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур», «Методика полевого опыта», «Методы агрохимических анализов почв средней Азии» каби услугбий қўлланмалар асосида олиб борилди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Селекция ишида навларни табиий танлаш билан бир қаторда сунъий танлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўсимликни баҳолаш, уларни ажратиб олишнинг аниқ



усулларидан фойдаланиш йўли билан суний танлаш самарадорлигини анча ошириш мумкин. Нав танлашда дастлаб мақсад шаклланиши зарур. Унда навга бўлган талаблар ёритилади.

Кейин мавжуд навларнинг биологик, морфологик ва хўжалик белгиларини ўрганиб, тахлил қиласи ва қуйилган мўлжалга яқин келадиган намуналарни танлаб олади. Модулда келтирилган талабларга қисман бўлса ҳам жавоб берадиган белгилари бўлган бир неча навларни чатиштириб, сунъий танлаш йўли билан дастлабки материалларни йиғиб олинди.

Танлов боғчасида ҳалқаро картошкачилик маркази (СИР) дан келтирилган картошка клон ва линия ажратиб олинган истиқболли намуналар эртаги муддатда таққослаб синалди. Эртаги муддатда экилган картошка намуналарида фенологик кузатув ишлари олиб борилди (1-жадвал)

Ҳалқаро картошкачилик марказидан келтирилган L; P; намуналари тажриба майдонида 10 март куни  $70 \times 25$  см схемада эртаги муддатда экилди ва назорат маҳаллий бўлган “Пском” нави билан таққослаб синалди. Эртаги муддатда экилган 10 та оила намуналарида фенологик кузатув ишлари олиб борилди.

## 1-жадвал

Эртаги муддатда экилган картошка намуналарининг фенологик кузатув натижалари (2022-2023 йй).

Нав намунал ар	Ниҳоларни униб чиқиши, кун		Ёппасига униб чиққанидан то ., кун			
			шоналаши		гуллаши	
	10%	75%	10%	75%	10%	75%
Пском (st)	18	27	26	36	27	41
P-3	20	31	28	37	31	43
P-5	19	30	27	38	30	42
P-6	21	28	29	39	32	43
P-10	22	27	28	38	29	42
P-11	22	28	29	39	30	41
P-12	20	29	28	38	32	43
L-5	21	29	29	37	31	40
L-6	18	28	27	37	27	41
L-8	15	24	23	32	22	38
L-10	16	26	24	33	23	36

Тадқиқот натижаларига кўра назорат сифатида экилган “Пском” картошка навида ниҳолларнинг униб чиқиши 10% 18 кунда, 75% 27 кунда ниҳолларнинг униб чиққандан шоналаши 10% 26 кунда, 75% 36 кунда, гуллаши 10-75% 27-41 кунни ташкил этган бўлса, унга нисбатан айрим картошка намуналари жумладан, L-8 ва L-10 намуналарининг кўрсаткичлари назорат вариантидан 3-5 кун эрта бўлганлиги кузатилди.(1-расм)



### **1-расм. Тажриба майдонининг кўриниши**

Айрим L-6 намунанинг 10-75% ниҳолларини униб чиқиши, шоналаши, гуллаши назорат варианти билан тенг бўлганлиги кузатилган бўлса, Қолган Р-3; Р-5; Р-6; Р-10; Р-11; Р-12; L-5; намуналарининг ниҳолларини униб чиқиши, шоналаши, гуллаши назорат вариантидан 2-4 кунга кеч кузатилди.

Эртаги муддатда танлов боғчасига экилган картошка намуналарининг поя баландлиги, поялар сони кўрсаткичлари ўрганилди (2-жадвал).

Тажрибалар картошканинг ёппасига гуллаган даврда ҳамда ҳосил йиғиши даврида бир туп ўсимликларининг поя баландлиги шунингдек поялар сони бўйича биометрик ўлчовлар ўтказилганда назорат “Пском” навининг ўсимликлар ёппасига гуллаган даврида поя баландлиги 53,0 см ни, ҳосил йиғиши даврида 60,5 см 100 фоизни ташкил этган бўлса унга нисбатан L-8 ва L-10 намуналари ёппасига гуллаган даврда 15,5 ;14,2 фоизга ҳосил йиғиши даврида 18,7; 16,5 фоизга назорат кўрсаткичлари юқори бўлганли аниқланган бўлса бир тупдаги поялар сони бўйича ҳам ушбу L-8, L-10 намуналарининг курсаткичлари назорат вариантидан 25,0; 35,7 фоизга юқори бўлганлиги биометрик ўлчовларда ўз аксини топди.

### **2-жадвал**

Эртаги муддатда экилган картошка намуналарининг биометрик кўрсаткичлари (2022-2023 йй)

Нав намуналар	Ўсимликтин ёппасига гуллаган даврида		Ҳосил йиғиши даврида поя баландлиги	Картошка нав намуна-
	поя баландлиги	поялар сони		



# EURASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES

Innovative Academy Research Support Center

UIF = 8.3 | SJIF = 5.995

[www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)

	См	ст нисбатан, %	дон а	ст нисбатан, %	см	ст нисбатан, %	ларининг гул ранги
Пском (st)	53,0	100,0	2,8	100,0	60,5	100,0	оқ
P-3	48,8	92,1	2,3	82,1	57,5	95,0	сиёҳ
P-5	48,1	90,8	2,2	78,6	55,8	92,2	оқ
P-6	43,0	81,1	2,0	71,4	58,5	96,7	оқ
P-10	43,6	82,3	1,7	60,7	53,5	88,4	оқ
P-11	50,0	94,3	2,2	78,6	56,7	93,7	оқ
P-12	48,5	91,5	2,5	89,3	55,3	91,4	пушти
L-5	49,5	93,4	2,7	96,4	54,5	90,1	оқ
L-6	49,3	93,0	2,1	75,0	53,1	87,8	оқ
L-8	61,2	115,5	3,5	125,0	71,8	118,7	оқ
L-10	60,5	114,2	3,8	135,7	70,5	116,5	оқ

Эртаги муддатда экилган картошка намуналарининг ҳосилдорлик натижалари ўрганилди (З-жадвал ).

З-жадвал

Эртаги муддатда экилган картошка намуналарининг ҳосилдорлик натижалари (2022-2023 йй).

Нав намулари	Ҳосилни ковлаш муддати, кун			Бир тупдаги ҳосил, г	Ҳосилдорлик, т/га	Назоратга нисбатан, %
	60	70	80			
	Ўртacha 1 тупдаги туганак вазни, г					
Пском (st)	95	130	145	370	21,0	100,0
P-3	56	105	140	301	17,1	81,4
P-5	60	105	130	295	16,8	80,0
P-6	50	103	135	288	16,4	78,1
P-10	55	106	135	396	16,8	80,0
P-11	85	115	138	338	19,2	91,4
P-12	30	87	122	239	13,6	64,8
L-5	35	95	125	255	14,5	69,0
L-6	55	111	144	310	17,6	83,8
L-8	95	155	190	440	25,0	119,0
L-10	98	150	188	436	24,8	118,1
<b>ЭКМТ 05 т/га</b>					2,4	
<b>Sx, %</b>					4,3	

Назорат вариантида экилган “Пском” навининг ҳосилдорлиги гектаридан 21,0 т. ни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан L-8 ва L-10 намуналарда бу кўрсаткич 19,0; 18,1%

юқори, барча варианлар бўйича энг кам ҳосилдорлик Р-12 (13,6 т/га ёки 64,8%) намунасида кузатилди..

Ҳалқаро картошкачилик маркази (CIP)дан келтирилган намуналардан ажратиб олинган истиқболли линияларда ҳосилдорлик ЭКМТ 05 нинг кўрсаткичи 2,4 т/га ва тажриба аниқлиги Sx 4,3% бўлди.

Эртаги муддатда танлов боғчасига экилган картошка намуналарининг иқтисодий самарадорлик кўсаткичлари аниқланди (4-жадвал).



**2-расм. Картошканинг истиболли бўлган L-8 ва L-10 линиялари.**

Тажрибаларда картошка 8 марта суғорилганда 900 минг сўмни, 2 марта культивация ва чопик қилганда 1000 минг сўмни, 1 тонна ҳосилни териш ва ташишга кетган харажатлар 125 минг сўмни ва 3 марта касаллик ва заараркундаларга қарши курашилганда 1000 минг сўмни, жами харажатлар 23660 минг сўмни ташкил этди.

4-жадвал

Эртаги муддатда экилган картошка намуналарининг иқтисодий самарадорлик кўсаткичлари, га/ минг сўм (2022-2023 йй).

Кўрсаткичлар	Нав намуналар		
	Пском (st)	L-8	L-10
<b>Уруғ, ўғит, ЁММ, парваришлаш ва бошқа харажатлар</b>	20556	20556	20556
<b>Ҳосилни йигиштириш ва транспорт харажатлари</b>	3110	3110	3110
<b>Жами харажатлар</b>	23666	23666	23666
<b>Устама харажатлар, 25%</b>	5917	5917	5917
<b>Кутилмаган харажатлар (20%)</b>	4733,2	4733,2	4733,2
<b>Барча харажатлар</b>	34316	34316	34316



Ҳосилдорлик, т/га	21	25	24,8
Ҳосилни нарҳи, сўм	52500	62500	62000
Соф даромад	18184,3	28184,3	27684,3
1тонна маҳсулот таннарҳи	1634	1373	1384
Рентабеллик даражаси,%	<b>53,0</b>	<b>82,1</b>	<b>80,7</b>

Ҳосилни йиғиштириш ва транспортда жўнатиш харажатлари бир гектар ердан олинган маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлди. Материалларга ва парваришилаш технологияси ҳамда ҳосилни йиғиштириш ва жўнатишга кетган ҳаражатлар йифиндиси жами харажатлар миқдорини ташкил қилди. Картошкани парваришилаш бўйича технологик картада устама харажатлар 25% деб белгиланган. Унга мувофиқ бу харажатлар миқдори жами харажатлар қўрсаткичларидан келиб чиқсан ва қўшимча равища кутилмаган харажатлар 20% чиқиб қолиши ҳисобга олинди. Жами харажатларга устама (25%) харажатлар, кутилмаган харажатлар (20%) қўшилиб барча харажатларни ташкил қилди. Бир гектар ердан олинган ҳосилдорлик камайиб бориши билан бирга бир тонна маҳсулотнинг таннархи ошиб борди. Олиб борилган тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси гектардан олинган ҳосилдорликка боғлиқ бўлди. Назорат вариантидаги Пском навида рентабеллик даражаси 53,0 % ни ташкил этган бўлса, L-8 намунасида рентабеллик даражаси 82,1 % ни ва L-10 намунасида эса рентабеллик даражаси 80,7 % гача кўтарилиди.

### ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқот натижаларига кўра назорат сифатида экилган “Пском” картошка навида ниҳолларнинг униб чиқиши 10%-75% 18-27 кунда ниҳолларнинг униб чиққандан шоналаши 10%-75% 26- 36 кунда, гуллаши 10-75% 27-41 кунни ташкил этган бўлса, унга нисбатан, L-8 ва L-10 намуналарнинг қўрсаткичлари назорат вариантидан 3-5 кун эрта бўлганлиги кузатилди
2. “Пском” навининг ўсимликлар ёппасига гуллаган даврида поя баландлиги 53,0 см ни, ҳосил йиғиш даврида 60,5 см 100 фоизни ташкил этган бўлса унга нисбатан L-8 ва L-10 намуналари ёппасига гуллаган даврда 15,5;14,2 фоизга ҳосил йиғиш даврида 18,7; 16,5 фоизга назорат қўрсаткичлари юқори бўл
3. Картошка ҳосилдорлик қўрсаткичлари бўйича назорат Пском навининг ҳосилдорлиги гектаридан 21,0 т. ни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан L-8 ва L-10 намуналарда бу қўрсаткич 19,0 ва 18,1% юқори бўлганлиги кузатилди.
4. Шунингдек рентабеллик даражаси назорат Пском навида 53,0% ни ташкил этган бўлса, L-8 намунасида рентабеллик даражаси 82,1% ни ва L-10 намунасида эса рентабеллик даражаси 80,7% ни қўрсатди.

### References:

1. Абдукаримов Д.Т., Абдурахимов М. Дастробки уруғлик пайкалларида соғлом клонларни ажратиб олиш усувларини такомиллаштириш СамҚХИ илмий тўплами. – Самарқанд, 2007. – Б. 26-28.



2. Абдурахимов М.К., Очилов Б. Кartoшкa уруғчилик тизимида жадаллашган услубда элита етиштириш//СамҚХИ илмий түплами. – Самарқанд, 2007. – Б. 16-19.
3. Остонақулов Т.Э. – Селекция ва уруғчилик асослари. Т. «Истиқлол», 2002.
4. Остонақулов Т.Э., Отамуродов Э., Нишонов Н., Астанақулова А. Иккиҳосилли экин сифатида уруғлик картошкa етиштириш технологиясига оид тавсиялар. – Т.: 2003. – Б.12.
5. Элмуродов А., М.Чўлиева. Картошкани ботаник уруғидан уруғбоп ва товар туганаклар етиштиришнинг хусусиятлари//СамҚХИ илмий түплами. – Самарқанд, 2004. – Б. 114-117.
6. Остонақулов Т.Э. – Картошкa уруғчилик майдонларида апробация ўтказишга оид услубий қўлланма. // - Т.:1998. – Б.48-60.
7. Абдурахимов М.К. – Элита картошкани етиштириш усули. // Ихтиrolар, Расмий ахборотнома, –№4 (156). Т.:2014. – Б.7-8.
8. Кононученко В.В., Куценко В.С. - Картофелеводство Украины: проблемы научного обеспечения. // Картофель и овощи. – М., 2003. 4. – С. 5-6.
9. Князев В.А. – О стандартизации в семеноводства картофеля. // Картофель и овощи. 2002. № 6. –С. 32.
10. Банадисев С.А. – Картофелеводство Белоруси: проблемы и пути их решения. // Картофель и овощи. – М., 2002. 2. – С.